

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВ ЖАХОНГИР ПУЛАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ДАВРИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Турсунов Жахонгир Пулатович

Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш
даврида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш.

3

Турсунов Жахонгир Пулатович

Совершенствование системы пенсионного обеспечения в условиях
развития и либерализации экономики в Узбекистане.

27

Tursunov Jakhongir Pulatovich

Perfection of the pension system in the conditions of development and
liberalization of the economy in Uzbekistan.

51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.

53

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВ ЖАХОНГИР ПУЛАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ДАВРИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация Комиссияси томонидан В2018.1.PhD/Iqt502 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва “ZiyoNET” таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рустамов Даврон Рустамович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Кузиева Наргиза Рамазоновна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулов Тулкин Сатторович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти хузуридаги илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги ___-рақамли реестр баённомаси.)

Б.Э.Ташмурадова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

С.У.Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ж.И.Каримкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда Бирлашган Миллалар Ташкилоти (БМТ), Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Пенсия ва ижтимоий фондлар халқаро ассоциацияси ўтказган тадқиқотларнинг кўрсатишича, дунёда аҳолининг кексайиб бораётганлиги, демографик вазиятнинг кескинлашиши, ишсизлик муаммосининг кескин авж олиши, яширин иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг кўпайиши билан боғлиқ муаммоларнинг пенсия таъминоти тизимига салбий таъсир кўрсатиши натижасида пенсия таъминоти тизимида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. “Жаҳон банкининг берган маълумотларига кўра 1990 йилда дунё аҳолисининг деярли ярим миллиарддан ортиғини 60 ёшга ошганлар ташкил этган бўлса, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 1,4 миллиардга етади. Бу эса пенсияга чиқувчиларнинг ошишидан далолат беради.”¹ Аммо мазкур тизимдаги муаммолар етарлича тадқиқ этилмапти. Бу эса ўз навбатида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш борасида халқаро миқёсда доимий равишда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақозо этмоқда.

Бугунги кунда ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиб бораётганлиги, шунингдек инсонларнинг кексайганда, меҳнат қобилиятини вақтинча ёки тўлиқ йўқотганда ижтимоий хавф-хатарлардан ҳимоялаш бўйича мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича жаҳонда кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Халқаро молия ташкилотлари, жумладан, Ижтимоий ва пенсия фондлари халқаро ассоциацияси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотлари пенсия таъминотида доир изланишлар натижаларини эълон қилиб келмоқда. Тадқиқотларда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга оид масалалари кенг ёритилган, бироқ пенсия таъминотида оид кўплаб масалалари етарлича очиб берилмаган. Бундай ҳолат ўз навбатида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш борасида халқаро миқёсида мунтазам равишда илмий тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда “аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, жумладан, кексалар, имконияти чекланган шахслар ва боқувчисини йўқотганларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг ижтимоий таъминотини янада яхшилаш”² пенсия таъминоти тизимининг муҳим мақсадларидан ҳисобланади. Бугунги глобаллашув даврида жаҳон миқёсида чуқур молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, рақобат тобора кучайиб бораётган кескин бир шароит дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларига ўзгартиришлар киритишни объектив заруратга

¹ J.P.Tursunov. Reforms in pension supply system in Uzbekistan. European Journal of Research. №3. 2019. P 43.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. 6-сон, 70-модда.

айлантормокда, жумладан, пенсия тизимида ҳам. Ўзбекистонда ҳам “.... пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур”³ эkanлиги давлатимиз раҳбари томонидан таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли “Иқтисодий ва ижтимоий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 12 июлдаги ПФ-5765-сонли “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 566-сонли “Ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан 2018 йил 16 сентябрда тасдиқланган Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва 2019-2030 йилларда давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш Концепциясини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари Дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришга ва бошқа ушбу соҳага оид меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пенсия таъминоти тизими амал қилишининг назарий ва методологик асосларига бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, пенсия таъминоти тизимини ташкил этишнинг айрим назарий ва услубий жиҳатлари Jun Peng, В.Д.Роик, Н.Ю.Борисенко, С.Н.Орлов, А.П.Шеметов, А.Р. Ижаева, Д.Н.Ермаков, Н.А.Трофимова, А.А.Сильчук, А.В.Пудовкин, В.В.Потапенко каби хорижлик иқтисодчи олимлар⁴ томонидан ўрганилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабрь. № 271-272 (7229-7230). Б-1

⁴ Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – 340 p.; Роик В.Д. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: «Питер», 2014. – 352 с.; Роик В.Д. Экономика, финансы и право социального страхования: Институты и страховые механизмы / Валентин Роик. – М.: Альпина Паблицер, 2013. – 257 с.; Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. – М.: «Дашков и К°», 2009. – 576 с.; Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “Изд-во Курганского гос. ун-та”, 2013. – 106 с.; Ижаева А.Р. Концепция развития пенсионной системы Российской Федерации в посткризисный период. Автореф. дисс. на соискание ученой

Пенсия таъминоти тизимига оид мавжуд муаммоларни ҳал этишга доир илмий қарашлар А.В.Вахабов, Б.Х.Умурзаков, Д.Р.Рустамов, Ш.У.Ражабов, Б.С.Маматов, М.Ж.Зиядуллаев, З.Э.Бекназаров, Ш.З.Давронов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида⁵ ўз аксини топган. Жумладан, Д.Рустамов ва З.Бекназаровларнинг докторлик диссертацияларида Ўзбекистонда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий асослари, Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ҳамда Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлаш истиқболлари тадқиқ этилган бўлиб, улар юзасидан муҳим илмий хулосалар шакллантирилган ва тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилган. М.Зиядуллаевнинг тадқиқот ишида эса Ўзбекистонда ёшга доир пенсия тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни комплекс таҳлил қилиш асосида пенсия таъминоти соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий-амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Бироқ, келтирилган тадқиқотларда пенсия тизимига оид масалалар нисбатан кенг тадқиқ этилган бўлсада пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш масаласи алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу эса мазкур йўналишда ҳали ҳам илмий изланишлар олиб бориш долзарб эканлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида пенсия таъминоти тизимини

степени кандидата экономических наук – Москва: ФГБОУ ВПО Гос. Унив. Управ. 2013. – С. 31.; Ермаков Д.Н. Тенденции развития Российской пенсионной системы. Автореф. дисс. на соискание ученой степени доктора экономических наук – Москва: Рос. гос. соц. унив. 2013. – С. 62.; Трофимова Н.А. Уровень трудовых пенсий как критерий формирования пенсионных обязательств. Автореф. дисс. на соискание ученой степени кандидата экономических наук – Москва: ФГБОУ ВПО Гос. Унив. Управ. 2010. – С. 24.; Сильчук А.А. Повышение финансовой устойчивости пенсионной системы Российской Федерации. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук – Москва 2016. – С.157.; Пудовкин А.В. Мировой опыт формирования пенсионных систем и возможности его использования в России. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук – Москва 2017. – С.201.; Потапенко В.В. Пенсионная система в структуре современной российской экономики. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук – Москва 2018. – С.150.

⁵ А.В.Вахабов ва бошқалар. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. –Т.: «Iqtisod-Moliya», 2018. – 400 б.; Умурзаков Б.Х. Демографик ҳолат, меҳнат ва пенсия миқдорларига оид тенденциялар. «Пенсия таъминоти тизимини ислох этиш концепцияси: халқаро тажриба ва тенденциялар, Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2018 йил 23 октябрь. – Т.: «Иқтисод-молия», 2018. – Б. 11-13.; Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 200 б.; Ш.У.Ражабов. Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 66 б.; Маматов Б. Пенсия жамғармаси фаолияти. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Баркамол файз медиа”, 2017. – 280 б.; Хаитов А., Зиядуллаев М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси. – Т.: “Adolat”, 2009. – 172 б.; З.Э.Бекназаров. “Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш масалалари”. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2019. – 57 б.; Ш.З.Давронов. “Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш”. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2019. – 56 б.

такомиллаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими фаолиятини самарали амал қилишининг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш;

пенсия тизими моделларини тадқиқ этиш;

пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хориж тажрибасини ўрганиш;

бугунги кундаги пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш борасидаги илмий-назарий қарашларни танқидий таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

мамлакатда пенсия таъминоти тизимини барқарорлигини баҳоловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш;

давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича хориж тажрибасини таҳлил қилиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларини ҳамда давлат пенсияларини ҳисоблаш, тайинлаш ва тўлаш амалиётини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда пенсия таъминотини тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси танланган.

Тадқиқотнинг предмети давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, иқтисодий таҳлил, таққослаш, истиқболли прогнозлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг пенсия таъминоти тизими тажрибаларидан келиб чиқиб ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлашда фуқаронинг иш ҳақидан ундириладиган суғурта бадалини қайта жорий этиш таклиф этилган;

пенсияга чиқувчи шахснинг ўз хоҳишига кўра юқори иш ҳақи олган даврларини танлаш имкониятини яратиш мақсадида пенсия ҳисоблаш учун ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил ўрнига умумий меҳнат фаолиятидаги исталган (пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) кетма-кет ўн йиллик ойлик иш ҳақини ҳисобга олиш таклиф этилган;

пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, инсонларнинг ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, пенсия тўлови даврининг ўзгаришига

қараб, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берувчи пенсия ёшини ошириш таклиф этилган;

пенсия ва бўлажак пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг пенсия таъминотида оид ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида “Пенсия Омбудсмани”ни жорий қилиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пенсия таъминоти тизимида таъсир этувчи омиллар хусусиятлари бўйича тавсифланиб, асосий жиҳатларига кўра таснифланган;

фуқароларнинг пенсия миқдори, иш стажи ва иш ҳақининг ўзаро боғлиқлик хусусиятлари очиқ берилган;

пенсионерларнинг пенсия таъминотида оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, пенсионер ва Пенсия жамғармаси ўртасида юзага келадиган низоларни судгача ҳал қилиш юзасидан “Пенсия Омбудсмани” таклиф этилган;

пенсия таъминоти тизимининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда пенсия тизимини самарали ташкил қилиш билан боғлиқ амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муайян меъёрий ҳужжатлар, тегишли муассасаларнинг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги диссертация натижаларининг илмий аҳамиятини ифодалайди.

Диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар давлат пенсия таъминоти тизимини самарали ташкил этиш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш ва самарали амалга ошириш, шунингдек, келгусида яратиладиган пенсия қонунчилигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳамда такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги диссертациянинг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш даврида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш борасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг пенсия таъминоти тизими тажрибаларидан келиб чиқиб ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида фуқаронинг

иш ҳақидан ундириладиган суғурта бадалини амалиётга жорий қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йил 4 октябрдаги 03/30-01-32/1246-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлиги яхшиланишига ва бу орқали келажакда бюджетдан ажратилиши режалаштирилаётган субсидиялар миқдорини камайтиришга ёки тўлиқ тухталишига хизмат қилади;

ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал стаж (7 йил) давомийлигини 10 йилга ошириш белгиланганлиги, шунингдек, пенсияга чиқувчи шахснинг ўз хоҳишига кўра юқори иш ҳақи олган даврларини танлаш имкониятини яратиш мақсадида пенсия ҳисоблаш учун ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил ўрнига умумий меҳнат фаолиятидаги исталган кетма-кет ўн йиллик ойлик иш ҳақини ҳисобга олиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йил 4 октябрдаги 03/30-01-32/1246-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида пенсияга чиқувчи шахснинг пенсия миқдорини ошишига ва энг муҳими ижтимоий адолат принципларининг таъминланишига эришилган;

пенсия ёши ва ўртача умр кўриш ёшининг оралиғидаги давр, яъни пенсия тўлови даврининг ўзгаришига қараб ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берувчи пенсия ёшини ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йил 4 октябрдаги 03/30-01-32/1246-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини яхшилашга ҳамда авлодларнинг молиявий иштироки эквивалентлигини таъминлашга эришилган;

пенсионер ва Пенсия жамғармаси ўртасида юзага келаётган низоларни судгача ҳал қилишда Ўзбекистонда “Пенсия Омбудсмани”ни жорий қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йил 4 октябрдаги 03/30-01-32/1246-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши пенсионер ва Пенсия жамғармаси ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишга ҳамда пенсионерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 13 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда

муҳокамадан ўтказилган. Тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалардан “Ижтимоий таъминот тизимида пенсиялар” ва “Пенсия иши” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий иш, шу жумладан, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 4 та, нуфузли хорижий журналда 1 та илмий мақола, шунингдек, республика ҳамда халқаро илмий-амалий анжуманларда 16 та тезислар нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда пенсия таъминотининг ўрни ва унинг назарий-ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобда пенсия таъминотининг мазмун-моҳияти, шаклланиш босқичлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги роли, пенсия таъминотини такомиллаштиришнинг жаҳон тажрибаси ўрганилган, улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари баҳоланган.

“Пенсия таъминоти ижтимоий таъминотнинг бир қисми сифатида давлатнинг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади.”⁶ “Фуқароларнинг давлатнинг тузилиши ва имкониятларига мос равишда ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 22-моддасида белгилаб қўйилган.”⁷



1-расм. Пенсия таъминотининг функциялари⁸

⁶ Роиқ В.Д. Пенсионная система России: история, проблемы и пути совершенствования. М.: МИК, 2007. С. 116.

⁷ The UN Declaration on human rights. [Electronic resource]. – Mode of access: http://www.ohchr.org/EN/UDHR/Documents/UDHR_Translations/eng.pdf

⁸ Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “Изд-во Курганского гос. ун-та”, 2013. – 8 с.

“Тор маънода “пенсия таъминоти” атамаси аҳолини кексайганда, ногирон бўлганда, боқувчисини йўқотганда юзага келадиган ижтимоий хавфлардан ижтимоий ҳимоя қилишнинг турли шакллари ўз ичига олади.”⁹

Кенг маънода пенсия таъминоти – бу кексайганда, ногирон бўлганда ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган асосий даромад манбаидан маҳрум бўлганда уларга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатишга қаратилган ҳуқуқий ва иқтисодий чора-тадбирларнинг мажмуидир.

Умуман олганда пенсия таъминоти тизими меҳнатга лаёқатсиз ва кам таъминланган фуқароларни турмуш даражасини таъминлашга ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий тавсифга эга бўлган қатор чора-тадбирлар комплексини амалга оширилишини назарда тутди. Пенсия таъминоти ижтимоий функцияни бажариш билан бирга иқтисодий функцияни ҳам амалга оширади (1-расм).

“Пенсия” ўтган минг йилликнинг ўрталаридан бери мавжуд тушунча ҳисобланади. Аввалги пенсияларнинг барчаси шахсий ҳисобланган яъни маълум бир ҳукмдор ёки аристократлар учун тайинланган. XIX асрнинг охирларида Германия канцлери Отто фон Бисмарк томонидан ишчи ва хизматчилар учун ижтимоий суғуртага асосланган тақсимланувчи (авлодлар бирдамлиги) пенсия тизимига асос солинди. Ўртача умр кўриш ёши 45-50 ёш (урушлар сабаб) бўлишига қарамадан пенсия ёши 70 ёш этиб белгиланган. Шу сабабли халқ орасида мазкур тизим “марҳумлар учун пенсия” тизими деб аталган.



2-расм. Пенсия таъминоти тизими моделлари¹⁰

⁹ Каспарьянц Н.М. Пенсионное страхование: региональные аспекты (Краснодарский край): монография. Армавир: РИО АГПА, 2014. С. 17.

¹⁰Тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан тайёрланди.

Бирок, “Бисмарк модели орқали ижтимоий суғуртанинг жорий қилиниши дунё мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун юқори самарали суғурта тизимларини яратишга имкон берди.”¹¹

Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими икки босқичда ташкил этилган бўлиб, давлат пенсия таъминоти тизими (тақсимланувчи) ва АТ Халқ банкида очилган жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимлари ҳисобланади.

1-жадвал

Тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимларининг қиёсий тавсифи¹²

| Меъзонлар | Тақсимланувчи тизим | Жамғариб бориладиган тизим |
|--------------------------------|--|---|
| Мақсади | Пенсионерларни қашшоқликдан ҳимоя қилиш | Пенсияга чиққанидан сўнг юқори турмуш даражасини сақлаб қолиш учун шароит яратиш |
| Молиялаштириш | Бадаллар давлат бюджети ёки бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан амалга ошириладиган жорий тўловларга йўналтирилади | Бадаллар махсус фондларда очилган шахсий ҳисобварақларида шакллантирилади |
| Демографик омилларнинг таъсири | Демографик омиллар тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади | Демографик омилларнинг таъсири жудаям паст |
| Иқтисодий омилларнинг таъсири | Давлат молияси ҳолатига боғлиқ, қимматли қоғозлар бозори ҳолатига боғлиқ эмас ва у асосан давлат пенсия таъминоти тизими доирасида фаолият кўрсатади | Кўпроқ давлат, хусусий ва аралаш пенсия тизимлари доирасида фаолият юритадиган қимматли қоғозлар бозори ҳолатига боғлиқ бўлиб |
| Ижтимоий омилларнинг таъсири | Пенсиянинг миқдори аниқ белгиланганлиги | Пенсия миқдорининг бадаллар миқдорига ва инвестиция жараёнларига боғлиқлиги |
| Фуқароларнинг роли | Доимий иштироки муҳим эмас, давлат бошқариб туради | Доимий иштироки зарур ҳисобланади |

Жаҳонда пенсия таъминоти тизими ҳолатини ифодаловчи индикаторлар мавжуд бўлиб, мазкур индикаторларга қараб давлатнинг пенсия тизимига баҳо бериш мумкин (2-жадвал). Булар камров коэффициенти, босим коэффициенти ва қоплаш коэффициентларидир.

Бу ерда: K_k – камров коэффициенти; A_c – меҳнатга яроқли аҳолининг пенсия тизимида иштирок этаётганлари сони; A_y – меҳнатга яроқли аҳоли сони; K_b – босим коэффициенти; I_a – пенсия тизимида иштирок этаётган ишловчи аҳоли сони; P_a – пенсия тизимидан ижтимоий тўловлар қабул

¹¹ Роик В.Д. Экономика, финансы и право социального страхования: Институты и страховые механизмы / Валентин Роик. – М.: Альпина Паблшер, 2013. – 7 с.;

¹² Пудовкин А.В. Мировой опыт формирования пенсионных систем и возможности его использования в России. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук – Москва 2017. – С.16.


қилувчилар сони; K_k – қоплаш коэффициенти; $\dot{Y}_{ПМ}$ – ўртача пенсия миқдори; $\dot{Y}_{ИХМ}$ – ўртача иш ҳақи миқдори.

2-жадвал

Пенсия таъминоти тизими барқарорлигини баҳоловчи индикаторлар¹³

| Коэффициент номи | Формуласи | Тавсиф |
|---------------------|--|--|
| Қамров коэффициенти | $K_k = \frac{A_c}{A_j}$ | суғурталанган аҳоли улушини ҳамда суғуртага тортилган меҳнат ҳақи даромадлари даражасини кўрсатадиган кўрсаткич (1 га тенг бўлиши керак) |
| Босим коэффициенти | $K_b = \frac{I_a}{P_a}$ | пенсия таъминоти тизимига суғурта бадали тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати (4/1) |
| Қоплаш коэффициенти | $K_k = \frac{\dot{Y}_{ПМ}}{\dot{Y}_{ИХМ}}$ | пенсионернинг пенсияси миқдорининг меҳнат қилган даврида олган иш ҳақининг нисбати тарзида аниқланади (0.4) |

Шунингдек, пенсия таъминоти тизимини самарадорлигини белгиловчи омиллар ҳам мавжуд (3-расм).



3-расм. Пенсия таъминоти тизимининг самарадорлигини белгиловчи омиллар¹⁴

¹³ Тадқиқотчи томонидан мустақил тайёрланди.

¹⁴ Д.Р.Рустамов. “Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари”. Иқт. фан. доктори (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 38 б.

Пенсия таъминоти тизимида тўланувчи пенсия ва ижтимоий нафақалар пенсионерларнинг моддий эҳтиёжини етарли даражада таъминлай олиши муҳим саналади. Буни пенсия таъминоти тизими ҳолатини ифодаловчи индикаторлардан бири ҳисобланган қоплаш коэффициенти орқали аниқлаш мумкин. Бунда пенсионернинг олаётган пенсияси аввал олган даромадининг 40 фоиздан юқори бўлиши ижобий ҳолат ҳисобланади.

3-жадвал

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида” 102-сонли Конвенциясига мувофиқ фуқароларга бериладиган ижтимоий тўлов меъёрлари¹⁵

| Ҳолат | Олувчи | Жами даромадга нисбатан, фоизда |
|---------------------------------------|------------------------------------|---------------------------------|
| Касалликда | аёли ва икки фарзанди бор эркак | 45 |
| Ишсизликда | аёли ва икки фарзанди бор эркак | 40 |
| Кексаликда | пенсия ёшидаги аёли бор эркак | 40 |
| Меҳнатда майибланиш оқибатида: | | |
| – меҳнатга лаёқатсиз бўлганда | аёли ва икки фарзанди бор эркак | 50 |
| – ногирон бўлганда | аёли ва икки фарзанди бор эркак | 50 |
| – боқувчисини йўқотганда | икки фарзанди бор бева аёл (эркак) | 40 |
| Ҳомиладор ва тўғиш | аёл | 45 |
| Ногирон бўлганда | аёли ва икки фарзанди бор эркак | 40 |
| Боқувчисини йўқотганда | икки фарзанди бор бева аёл (эркак) | 40 |

Мазкур меъёр Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида”ги 102-сонли Конвенциясида келтирилган фуқароларга тўланадиган ижтимоий тўловлар бўйича ўрнатилган меъёрлар асосида белгиланади.

4-жадвал

Жаҳон мамлакатларида умуммиллий ижтимоий дастурларнинг ривожланиш тарихи¹⁶

| Мамлакатлар | Бахтсиз ходисалардан суғурта қилиш | Касаллик нафақаси | Ёшга доир пенсия таъминоти | Ишсизликдан суғурталаш | Оилавий нафақа | Тиббий суғурта |
|---------------|------------------------------------|-------------------|----------------------------|------------------------|----------------|----------------|
| Германия | 1884 | 1883 | 1889 | 1927 | 1954 | 1880 |
| Буюк Британия | 1906 | 1911 | 1908 | 1911 | 1945 | 1948 |
| Франция | 1946 | 1930 | 1910 | 1967 | 1932 | 1945 |
| Италия | 1898 | 1943 | 1919 | 1919 | 1936 | 1945 |
| Швеция | 1901 | 1910 | 1913 | 1934 | 1947 | 1962 |
| Дания | | | 1891 | | | |
| АҚШ | 1930 | | 1935 | 1935 | | |
| Канада | 1930 | 1971 | 1927 | 1940 | 1944 | 1972 |

¹⁵ Халқаро Меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари. 2 жилд (1918-1966; 1967-2002) Т.1.П 1078

¹⁶ Пудовкин А.В. Мировой опыт формирования пенсионных систем и возможности его использования в России. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук – Москва 2017. – С.21.

Пенсия тизимидаги ислохотлар илк бор Германияда тиббий суғурта ва касаллик нафақасини жорий қилиш билан бошланган. Ёшга доир пенсия эса 1889 йилда ташкил қилинган.

Диссертациянинг “**Давлат пенсия таъминотини амалга ошириш механизмлари таҳлили**” деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолати ва унга оид тенденциялар таҳлил қилинган.

Пенсия таъминоти тизимини ислох этишнинг муҳим сабаби давлатнинг пенсияга оид мажбуриятларини бажариш учун молиявий ресурсларнинг етишмаслигидир. Ушбу муаммо аҳолининг кексайиб боришига мувофиқ кучайиб, мураккаблашиб боради ва мамлакатларда вужудга келган иқтисодий, ижтимоий ва демографик вазиятлардан келиб чиққан ҳолда алоҳида аҳамият касб этади.

5-жадвал

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ва унинг ялпи ички маҳсулотга нисбати¹⁷

| Кўрсаткичлар | 2012 йил | 2013 йил | 2014 йил | 2015 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил (режа) |
|--|----------|----------|----------|----------|----------|----------|-----------------|
| Ялпи ички маҳсулот (номинал) млрд. сўмда | 97929,3 | 118987 | 144868 | 171369 | 249130 | 407514,5 | 424100 |
| Пенсия жамғармаси маблағлари млрд. сўмда | 8065,4 | 10302,1 | 13013,7 | 16557 | 19505,1 | 23240,1 | 23656,6 |
| Пенсия жамғармаси маблағларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, %да | 8,2 | 8,7 | 9,0 | 9,7 | 7,8 | 5,7 | 5,6 |

5-жадвал маълумотларида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 2018 йилда 2012 йилга нисбатан 4 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин. Аммо Пенсия жамғармаси маблағларининг ЯИМдаги улушини охириги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. 2019 йил прогнозларига кўра эса 5,6 фоизни ташкил қилмоқда.

Сўнгги йилларда пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромад ва харажатларига ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Биргина жамғарма маблағлари таркибида асосий ўринга эга бўлган ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ) ставкаларининг ўзгариши, ишловчиларнинг иш ҳақиларидан мажбурий ундириладиган суғурта бадалларининг бекор бўлиши жамғарманинг молиявий ҳолатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 24-декабрдаги 1449-сонли, 2011-йил 30-декабрдаги 1675-сонли, 2012-йил 25-декабрдаги 1887-сонли, 2013-йил 25-декабр 2099-сонли, 2014-йил 4-декабрдаги 2270-сонли, 2015-йил 22-декабрдаги 2455-сонли, 2016-йил 27-декабрдаги 2609-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 27-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган
мажбурий тўлов тарифлари динамикаси (%)¹⁸**

| Йиллар | Пенсия жамғармасига иш берувчиларнинг ягона ижтимоий тўлови | Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалли | Товар (иш, хизматлар) қийматидан мажбурий ажратмалар |
|--------|---|--|--|
| 2008 | 24 | 2,5 | 1 |
| 2009 | 24 | 3,5 | 1 |
| 2010 | 25 | 4 | 1,5 |
| 2011 | 25 | 4,5 | 1,6 |
| 2012 | 25 | 5,5 | 1,6 |
| 2013 | 25 | 6 | 1,6 |
| 2014 | 25 | 6,5 | 1,6 |
| 2015 | 25 (15) | 7,0 | 1,6 |
| 2016 | 25 (15) | 7,5 | 1,6 |
| 2017 | 25 (15) | 8,0 | 1,6 |
| 2018 | 25 (15) | 8,0 | Бошқа давлат мақсадли жамғармалар билан биргаликда умумлаштирилган ҳолда ажратилади, кейинчалик уни қайта тақсимлаш шартли билан |
| 2019 | 25 (12) | - | - |

Пенсия жамғармасининг асосий молиявий манбаси ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ставкаси йиллар давомида камайиб борган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон Қарорининг 8 иловаси 1 бандига кўра 2019 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши бўлган юридик шахслар – 25 фоиз миқдорда (99,2 фоизи – Пенсия жамғармасига; 0,4 фоизи – Бандлик жамғармасига; 0,4 фоизи – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига) ҳамда 1 бандга тегишли бўлмаган бошқа юридик шахслар – 12 фоиз миқдорда (98,4 фоизи – Пенсия жамғармасига; 0,8 фоизи – Бандлик жамғармасига; 0,8 фоизи – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига) ЯИТ тўлашлари белгиланди.

7-жадвал

2013-2018 йилларда Пенсия жамғармаси даромадлари¹⁹, млрд. сўмда

| № | Кўрсаткичлар | 2013 й | 2014 й | 2015 й | 2016 й | 2017 й | 2018 й |
|-----------------------|---|----------------|--------------|----------------|----------------|----------------|----------------|
| 1. | Йил бошига қолдиқ | 785,7 | 1472,4 | 2564,4 | 2118,7 | 2310,7 | 3007,5 |
| 2. | Ягона ижтимоий тўловдан ажратма | 5957,4 | 7338,6 | 7611,3 | 8774,7 | 10280,5 | 11808,0 |
| 3. | Суғурта бадаллари | 1599,1 | 2036,2 | 2595,6 | 3121,5 | 3940,6 | 4466,3 |
| 4. | Маҳсулот (хизмат) реализацияси ҳажмидан мажбурий ажратмалар | 1436,4 | 1505,8 | 1197,4 | 1354,7 | 1804,9 | 2059,9 |
| 5. | Бошқа даромадлар | 748,9 | 902,1 | 1130 | 1421 | 1681,4 | 1898,4 |
| Жами маблағлар | | 10527,5 | 13255 | 15098,7 | 16790,7 | 20018,1 | 23240,1 |

¹⁸ Меъёрий конунчиликни ўрганган ҳолда муаллиф томонидан мустақил тайёрланди.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари таркибида ягона ижтимоий тўловдан ажратма ҳамда ишловчиларнинг мажбурий суғурта бадаллари юқори аҳамиятга. Мазкур даромадлар жамғарма даромадларини бошқариш хусусиятига эга. Буни йиллар кесимида тушган маблағлар ҳолатига қараб айтиш ҳам мумкин.

Шунингдек, жамғарма маблағлари асосан давлат пенсиялари ва баъзи бир ижтимоий нафақаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Жумладан, куйидаги келтирилган жавдал маълумотларига кўра асосан ишлайдиган ва ишламайдиган пенсионерлар учун пенсиялар тўлашга сарфланади.

8-жадвал

2013-2018 йилларда Пенсия жамғармаси харажатлари²⁰, млрд.сўмда

| № | Кўрсаткичлар | 2013 й | 2014 й | 2015 й | 2016 й | 2017 й | 2018 й |
|-----------------------|---|---------------|----------------|--------------|----------------|----------------|----------------|
| 1 | Ишламайдиган пенсия олувчилар | 8749,7 | 10334,4 | 12470,6 | 13894,6 | 15970,8 | 19586,9 |
| 2 | Ишловчи пенсионерлар | 278,9 | 316,9 | 387,3 | 430,4 | 486,7 | 616,6 |
| 3 | Кекса ва меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги фуқароларга, дафн учун нафақалар ва бошқа тўловлар | 22,4 | 31,2 | 120,4 | 152,6 | 174,6 | 237,7 |
| 4 | Бошқа харажатлар | 4,2 | 4,3 | 5,6 | 2,2 | 1,2 | 34,0 |
| Жами маблағлар | | 9055,2 | 10686,8 | 12984 | 14479,8 | 16633,3 | 20475,2 |

Прогнозларга кўра, ёшга доир пенсияга чикувчилар сонининг ортиши ҳисобига бу кўрсаткич келгуси йилларда янада ортиши кутилмоқда.

Ўзбекистонда ҳозирда 3,4 млн.дан ортиқ пенсионер мавжуд бўлиб, мамлакат аҳолисининг тахминан 11 фоизини ташкил этмоқда (9-жадвал).

9-жадвал

2013-2018 йилларда Пенсия жамғармасидан пенсия ва нафақа олувчилар сони²¹ (нафар)

| т/р | Кўрсаткичлар | 2013 й | 2014 й | 2015 й | 2016 й | 2017 й | 2018 й |
|---|---------------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|
| 1 | Ёшга доир | 2147549 | 2181771 | 2262990 | 2369317 | 2481488 | 2582790 |
| 2 | Ногиронлик | 382757 | 371374 | 358572 | 351546 | 359291 | 366212 |
| 3 | Бокувчисини йўқотганлик | 165317 | 160784 | 160056 | 161224 | 166842 | 168696 |
| 4 | Ижтимоий нафақа олувчилар | 225949 | 233938 | 244576 | 259069 | 289132 | 311611 |
| Жами пенсия ва нафақа олувчилар сони | | 2921572 | 2947867 | 3026194 | 3141156 | 3296753 | 3429309 |

Ўзбекистонда жами пенсия ва нафақа олувчилар сони 2018 йилда 3,4 млн. нафарни ташкил этмоқда. Бу 2013 йилга нисбатан 15 фоизга кўп


²⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

демакдир. Шунингдек, 2018 йилда жамғармадан ёшга доир пенсия олувчилар сони 2582790 нафарни ташкил қилиб, жамига нисбатан 75,3 фоизга тенг, ногиронлик пенсиясини олувчилар 366212 нафарни ташкил этиб жамига нисбатан 10,7 фоизни ташкил этмоқда, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар сони эса 168696 нафарни ташкил этган бўлса, жамига нисбатан 4,9 фоизга тенг бўлмоқда. Шунингдек, ижтимоий нафақа олувчилар сони 311611 нафарни ташкил қилган бўлса, жамига нисбатан 9,1 фоизни ташкил этмоқда.

Ҳозирда пенсияларни ҳисоблаш, тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ амалиётларда пенсионер ва Пенсия жамғармаси ўртасида кўплаб низолар юзага келмоқда. Низоларнинг аксарияти судлар орқали ҳал бўлмоқда. Бунинг натижасида пенсионерларнинг кўпчилиги сарсон бўлишмоқда. Тадқиқотлар натижасида мазкур муаммоларни ҳал қилиш бўйича “Пенсия омбудсмани”ни жорий этиш бўйича таклиф ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий этиш учун қабул қилинди.

Диссертациянинг **“Иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштириш даврида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимига таъсир этувчи омиллар, тараққий этган мамлакатларнинг пенсия таъминоти бўйича илғор тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари ҳамда Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш йўналишлари масалалари кўриб чиқилган.




4-расм. Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ижроси, трлн.сўм²²

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий кўрсаткичлари шунини кўрсатадики, охириги 6 йилда Пенсия жамғармаси даромадлари 1,79 баравар, харажатлари эса 1,84 бараварга ортган (4-расм).

²² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

